



Туркиянинг “YeniBirlik” газетаси муҳбири Само Сезен (Sema SEZEN) репортажи

Қирғизистонни сиёсий, иқтисодий ва жамият соҳаларида инкирозга етаклаган мавжуд ҳукуматнинг ўз ишини етарли даражада бажармаётганлиги сабабидан қурилган Қўлка ҳукуматнинг Ташқи Ишлар вазири Турсунбой Бакир Улу, турк давлатлари орасида Туркия Жумҳуриятининг йўлбошчи эканлигини билдириб, “Туркия билан иттифок қуришга ҳаракат қилаёпмиз”, дея таъкидлади.

Қирғизистон Қўлка ҳукуматининг Ташқи Ишлар вазири Турсунбой Бакир Улу, Саноат вазири Жорасул Абдураимов, Бош вазир Марат Имонқуловлардан иборат ҳайъат музокаралар учун Туркияга келди. Ташқи Ишлар вазири Турсунбой Бакир Улу журналистларга берган интервьюсида, “Қўлка ҳукуматни кургачилкбаёнотимизшубўлди: Биз Қирғизистон ҳукуматига муҳолиф эмасмиз, ҳукуматга камчиликларни кўрсатиш ниятидамиз. Биз улар учун ишлашни истаймиз дея ўз таклифимизни киритдик. Агарда иқтидорга келмоқчи бўлсак, ҳуқуқий йўл билан, шунга лойиқ ҳолда келишимиз керак. Ҳозирда ҳукумат ўз вазифасини бажармаяпти, камчиликлар жуда кўп”, деб таъкидлади.



ОРАМИЗДАГИ ДЕВОРЛАРНИ ЙИҚАЙЛИК!

“Қон тўкилишининг олдини олишни истаймиз”

Турсунбой Бакир Улу ҳозирги мавжуд Қирғизистон ҳукуматининг, профессионаллар томонидан бошқарилмаётганлигини айтиб сиёсатчиларнинг ўз кланлари ичидаги кишилардан иборат эканлиги айтган Бакир Улу,

“Қирғизистон халқи ва давлати 3-инкилобни кўтара олмайди. Қирғизистон бундай бир юкни кўтараолмай, ҳатто ўз мустақиллигини ҳам йўқотиши мумкин. Қирғизистон давлати мисилсиз йўқотишларга дуч келиши мумкин. Қон тўкилишининг олдини олишни истаймиз. Шу сабабдан Қўланка ҳукуматини қурароқ тидбир олишни афзал билдик. Қўлка ҳукуматимизда ҳар соҳадан сиёсий мутахассислар бор. Айирмачиликка қаршимиз. Қўлка ҳукумати битимини имзолагач ватансеварларга сасланиб, ҳар кимга эшигимиз очиқ эканлигини билдирдик.

Мавжуд ҳукумат билан Қирғизистоннинг тараққиётга эришиш мумкин эмас. Ҳукумат вазиятдан чиқиш йўлини билмайди. Халқ ўз ҳукуматига ишонмайди. Бу қўрқинчли бир ҳолат. Биз қўшниларимиз ва аввало Туркия билан иттифок қуришга ҳаракат қилаёпмиз. Қирғизистон узоқ ўлкаларга визасиз, яқин қўшни давлатларга эса виза билан бора олади. Бу ҳолатни энг аввало



(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ишга солиб, ўша дўстликни мустаҳкамлаш учун ғайрат кўрсатмоқда. Холбуки, унинг Жанубий Қирғизистон аҳолиси ўртасидаги обрўси жудда катта.

Туркистон руҳи билан йўғрилган "Кўлка ҳукуматимиз" қурилишида ҳам Муҳаммад Солихнинг маслаҳатлари ва тажрибасидан кенг фойдаландик.

МАРАТ ИМОНҚУЛОВ

Қирғизистон Кўлка ҳукумати Бош вазири

"Турк ётиримчиларини (инвесторларини) биз химоя қиламиз"

Қирғизистон Кўлка ҳукумати Бош вазири Марат Имонқулов, тоза сиёсатчилардан иборат бир ҳукуматга эҳтиёжи борлигини таъкидлар экан, Туркиядан келадиган ётиримчиларнинг жон ва мол хавфсизлигини шахсан Кўлка ҳукумат химоя қилишини айтди.

Имонқулов, "Биз учун энг муҳими ётиримчиларни химоя қилиш бўлади. Ётиримчилар бўлмаса иқтисод ривожланмайди. Биз уларнинг ишлаши учун қулай шароитларни яратайлик-ки ётиримчилар даромад олсин ва бизнинг жамиятга фойда келтирсин. Ишонаманки Кўлка ҳукуматнинг саъй-ҳаракати билан ишонч ортади ва ётиримчилар Қирғизистонга янада кўпроқ келишади", деди.

НУРҚУЛ СУЛАЙМОНОВ

Қирғизистон Кўлка ҳукумати



Транспорт вазири

"Темирйўл лойиҳаси чегараларни очади"

Кўлка ҳукуматнинг Транспорт вазири Нурқул Сулаймонов, Ўрта осийни бир-бирига боғлаган темирйўл лойиҳаси ҳақида сўзлаб, бу лойиҳанинг иложи борича тезроқ амалга оширилиши кераклигини таъкидлади.

Сулаймонов, "Ипак йўли ўтган минтақаларда чала қолган темирйўл лойиҳаси бор. Бу темирйўли Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Эрон, Туркия ва Хитойни транспорт билан бир-бирига боғлай оладиган бир лойиҳадир. Бу лойиҳа билан мамлакатлар орасидаги транспорт алоқасини осонлик билан йўлга

қўйиш ва импорт-экспорт жараёнини энгиллаштириш мумкин. Бу масала бир муҳокама мавзусига айланди. Мамлакатлар темирйўли борасида фақатгина муҳокама ҳолидалар, аммо лойиҳани битириш томон қадам қўйилгани йўқ. Хитой ва Эрон бу лойиҳага маблағ ажратишини айтди, лекин масала муҳокамадан нари ўтмади. Биз бу масалада иш олиб бориш ниятидамыз. Қўшнилари билан биргаликда иш оқимини йўлга қўйиш учун энг муҳим лойиҳалардан бири бўлган темирйўли қурилишини тезлаштиришимиз керак", деди.

ЖОРАСУЛ АБДУРАИМОВ

Қирғизистон Кўлка ҳукумати Саноат вазири

"Келинг Қирғизистонни биргаликда қурайлик"

Қирғизистон Кўлка ҳукумати Саноат вазири Жорасул Абдураимов, "Ҳозирги ҳукумат одамларининг саноат билан ҳеч қизиқиши йўқ. Бизнинг мақсадимиз Турк мафқурасини шакллантириб, саноатда биргаликда илгари қадам қўйишдир", деб, шундай давом этди.

"Кўлка ҳукуматнинг шундай самарали механизмларини қуриш керакки муаммоларни еча олиш салоҳиятига эга бўлсин. Туркиянинг қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасида жуда кучли ширкатлари бор. Жудаям илғор технологияларга соҳиб. Иқтисод соҳасида қўлимда юздан ортик лойиҳа бор. Қирғизистоннинг



(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қайси ерида қандай ишларни амалга ошириш мумкинлиги саралаб кўйилган, фақатгина ётиримчисини кутаяпти. Кўлка ҳукумат сифатида Турк тадбиркорлари билан битим тузиб, уларни иш билан таъминлай оламиз. Бошқа тарафдан халқимиз билан бир қаторда Турк ётиримчиларининг ҳам ишончини қозонишимиз керак. Бир ўлкада иқтисоднинг яхши бўлиши учун

саноат ривожланаётган бўлиши керак. Аммо Қирғизистонда 25-26 йил давомида саноат қарийб вайрон қилинди. Бу соҳада жуда ҳам заифмиз. Янги ётиримчилар ёрдамида қайтадан саноатни тиклашни истаймиз ва устуворликни албатта Турк ётиримчиларига берамиз. Кўлка ҳукумати учун муҳим вазифа эса ётиримчиларнинг жон ва мол хавфсизлигини таъминлашдир. Турк ётиримчиларига муружаат

қиламан: Келинг Қирғизистонни биргаликда қурайлик, биргаликда ривожлантирайлик. Қирғизистонда юзлаб километр ерлар ва лойиҳалар амалга оширилишни кутаяпти.”

*Туркиянинг “YeniBirlik”
газетаси муҳбири Само Сезен
(Sema SEZEN) репортажи
Манба: YeniBirlik*

*Туркия туркчасидан
ўзбекчалаштирилди*

Ўзбекистон Сенатининг 2016 йил 12 октябрда қабул қилган амнистиясига биноан 39, 748 одам авф қилинади. Бу ҳақда маҳаллий ОАВлар хабар қилди, деб ёзади "Озодлик" радиоси.

Жазодан 5408 аёл ва жиноят содир этиш пайтида 18га тўлмаган 893 шахс, ҳамда 60 дан юқори ёшдаги 1045 киши озод этилган.

Амнистияга биноан биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ва ушбу амнистия кучга киргунга қадар бир йилдан кам бўлмаган давр мобайнида касал деб топилган ва касалликлари жазони ўташга йўл қўймайдиганлар ҳам жазодан

Ўзбекистонда амнистиясига биноан 39 748 одам авф қилинади

озод этилади.


Амнистиянинг ушбу бандига биноан 144 киши озод қилинган. Амнистиянинг бошқа бандларига биноан қамалганларни озод қилиш ёки жазо муддатини камайтириш кўзда тутилган.

Айтилишича, судлар прокуратура, ички ишлар, соғлиқни сақлаш ва бошқа тизимлар билан биргаликда амнистия қилинганлар орасида тегишли ишларни олиб боришяпти.

Улардан сил касали билан оғриб, биринчи ва иккинчи гуруҳ бўйича диспансер ҳисобида турувчилари махсус тиббий идораларга жўнатиляпти.

Ҳеч кими йўқ шахслар «Саховат» ёки «Мурувват» уйларига жойлаштириляпти. Вояга етмаганлар ота-оналар ёки васийлик ташкилотлари назорати остида, зарур ҳолатларда улар махсус ўқув юртиларига жўнатиляпти.

ЎХХ хабарлар бўлими



тақдим этган.

О л д и н д а н айтиб қўййлик, ҳамма билган бу муаммо газета саҳифаларида нега шу вақтгача ёритилмаганига жавобни излаб оловра бўлманг!

Х у л л а с , мақолада пластик карточкадаги

қандай баҳона келтириши айтиб ўтилган.

Энг эътиборли жиҳати, газета муаммонинг илдизини ҳукуматнинг молиявий сиёсатида эмас, аҳолининг ўз ҳуқуқини англашида (тўғрироғи, англамаслигида) кўради.

«...бу каби оғриқли масалаларга қонуний ечим топишнинг бирдан бир йўли ҳам, аввало, ўзимизнинг ҳақ-ҳуқуқимизни англаш ва бошқаларни ҳам шундай тўғри, ҳалол йўлга ундашдир», деб ёзади газета.

Ҳурматли газетчилар! Халқ сиз ўйлагандек ўз ҳуқуқини билмайдиган оломон эмас. Айниқса, пул масаласида. Одамлар ҳисоб рақамидаги ёки пластик картадаги пулни нақд қилиш учун неча фоиз муттаҳамлик пули (замонавий тилда воситачилик дейилади) олиншини яхши билади.

Шунинг учун уларни ҳуқуқини билишга эмас, балки ҳукуматни адолатли молиявий сиёсат юритишга чорлаш тўғрироқ бўлмасмикин!?

Манба: Eltuz.com

Газеталар президентнинг «пуф»и ортидан тириляптими?

Ўзбек газеталари нималарни ёзмақда?

Президент «пуф» дегандан кейин тадбиркорлар ва ишбилармонлар газетаси бўлмиш «XXI аср»га (19.01) жон қираётгандек бўлди.

Ҳа йўқ, бе йўқ, неча йиллардан бери тилга олмаган муаммоси, нақд пул ва пластик картада савдо қилишдаги фарқлар ҳақида мақола эълон қилиб қолди.

Энг қизиғи, бу муаммони «... ҳамма билган ҳақиқат ҳақидаги айрим кузатувлар» сифатида

пулингиз нақддан кўра қадрсизроқ экани тилга олинади.

Жумладан, «Тошкент» вокзалига бориб, «Афросиёб» поездида нақдга хоҳлаганча, лекин пластикка икки-учтадан кўп чипта харид қила олмаслигингиз, ҳатто фарзандингизнинг ўқиш учун шартнома пулини тўлашингизда ҳам шу масалада муаммо келиб чиқиши мумкинлиги билдирилади.

Бозорларда ҳам муаммо мавжудлиги, сотувчиларнинг бунга

Ўзбекистоннинг янги сиёсий ҳукумати томонидан бошланган миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ва бу йўналишда ислохотлар ўтказиш ташаббуси республика МХХсининг чекист-олигархларининг, шунингдек Рустам Иноятов бошчилигидаги “контора” қўли остида иш юритувчи бизнес-элитанинг молиявий ва иқтисодий манфаатларига жиддий таҳдид яратди. Янги ҳукуматнинг иқтисоднинг энг нуфузли секторларини чекист-олигархларнинг норасмий монополиясидан чиқаришга интилиши натижасида, ғазабланган мххчи-бизнесменлар ўзларининг хусусий йиғинларида президент Шавкат Мирзиёев ва унинг иқтисодий сиёсатидан очиқчасига ўз норозиликларини билдира бошлаганлар. Шундай қилиб...

йўқотишлар даражасини тушуниш учун Рустам Иноятов ва у васийлик қиладиган чекист-олигархлар қўлида тўлалигича ёки қисман жамланган иқтисод соҳаларига назар ташлаш етарлидир.

Ўзбек мххчи-олигархлари асосан иқтисоднинг импорт саноатларини, яъни маҳсулотлар ва ускуналар импорти билан шуғулланувчи соҳаларни монополиялаштиришган. МХХ раиси Рустам Иноятов ва Ўзбекистоннинг чекист-олигархлари иқтисоднинг куйидаги ҳудудларига эгалик қилишади (ҳудуд/давлат компанияси, ҳақиқий эгалик, мххчи-куратор):

- 1) “O'zbekneftgaz” (“Ўзбекнефтегаз”) миллий холдинг компанияси, Рустам Иноятов, Шухрат Ғуломов;
- 2) “O'zneftmahsulot”

Биз Рустам Иноятов ва унинг чекист олигархлари томонидан монополиялаштирилган энг йирик ва даромадли соҳаларни санаб ўтдик холос. Ушбу соҳаларда соядаги даромадларни олиш, уларни “ювиш” ва олиб чиқиб кетиш йўллари жуда ҳам осон: миллий валютада олинган даромад гўёки, “соҳанинг зарур эҳтиёжлари учун импорт маҳсулотларини, ҳам ашёларини ва ускуналарини сотиб олиш мақсадида” доимо конвертация қилинади. Шундай ҳолатлар бўлганки, масалан, биргина “Ўзбекнефтгаз” миллий акцидорлик компанияси заводига зарур бўлган бир хил саноат ускуна қисмларини бир йилда икки-уч мартадан сотиб олинган. Шу билан биргаликда ускуна қисмлари ҳар сафар сунъий қимматлаштирилган нархларда сотиб олинган.

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: НЕГА РУСТАМ ИНОЯТОВ ВА УНИНГ ЧЕКИСТ-ОЛИГАРХЛАРИ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИНИНГ ЭРКИНЛАШТИРИЛИШИНИ ИСТАШМАЙДИ?

“У қирол бўлиб туғилмаган”...

Бу ўзбек чекист-олигархларининг, сўнгги бир ярим ой давомида тарқалган президент Шавкат Мирзиёев ҳақидаги энг оммабоп ва юмшоқроқ гапларидан бири. Қолган чекист “эпитетлар” ичида эса мамлакатнинг янги раҳбарига нисбатан шу каби иборалар қўлланилади – “Плебей тахтада ҳам плебейдир” (тахририятдан: Қадимги римда плебей – қуйи синфлардан чиққан озод, лекин сиёсий тенг ҳуқуқликка эга бўлмаган киши.), “Олти ойдан сўнг у ўзининг плебейлик ўтмишига қайтади” ва ҳоказо. Кўриниб турганидек, бу иборалар фақатгина ғазаб ва ёмон ниятлардан иборат эмас, балки президентни ҳукуматдан четлаштириш бўйича ярим-яширин таҳдидлар ҳам бор.

Ўзбекистонда катта бизнесга эгалик қилувчи мххчиларнинг норозилик сабаблари тушунарли: янги ҳукумат ўзининг миллий иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва ислохотлар ўтказиш ташаббуси билан мамлакат иқтисодининг муҳим секторларидан “контора” бизнесини сиқиб чиқармоқчи. “Конторачи”-олигархлар дуч келиши мумкин бўлган молиявий

(“Ўзнефтмаҳсулот”) акцидорлик компанияси, Рустам Иноятов, Шухрат Ғуломов;

3) “O'ztransgaz” (“Ўзтрансгаз”) акцидорлик компанияси, Рустам Иноятов, Шухрат Ғуломов;

4) “O'zmevasabzavotsanoat” (“Ўз мевасабзавотсаноат”) давлат холдинг компанияси, Ҳаёт Шарифхўжаев, Жавдат Шарифхўжаев;

5) “O'zoziqovqatzahira” (“Ўзооқовқатзахира”) ассоциацияси, Зафар Файзиев/Шариф Иноятов, Жавдат Шарифхўжаев;

6) “O'zbeksavdo” (“Ўзбексавдо”) ассоциацияси, Мираброр Усмонов/Шариф Иноятов, Мухтор Ниёзов;

7) “Ўзбек валюта биржаси” ёпиқ акциядорлик жамияти, Файзулла Муллажонов/Ҳаёт Шарифхўжаев, Жавдат Шарифхўжаев;

8) “O'zavtosanoat” (“Ўзавтосаноат”) акцидорлик компанияси, Ботир Парпиев/Рустам Иноятов, Шухрат Ғуломов;

9) “O'zbekiston Havo Yo'llari” (“Ўзбекистон Ҳаво Йўллари”) миллий авиакомпанияси, Рустам Иноятов, Ҳамидулла Аҳмаджонов;

10) “O'zbekiston Temir Yo'llari” давлат темир йўл компанияси, Ботир Парпиев/Рустам Иноятов, Шухрат Ғуломов.

Пуллар аввал ҳам ҳозирда ҳам Иноятов ва Парпиевнинг “Orient Finans Bank”и, шунингдек Болтик бўйининг “Banka Citadele”, “ABLV Bank”, “Baltic International Bank”, “Handelsbanken” (Латвия), “DNB Bank” ва “SEB Bank” (Эстония) банклари орқали чет элга олиб чиқиб кетилмоқда.

Шундай йўллар билан олинган пулларнинг катта қисми Рустам Иноятов, Ботир Парпиев, Шухрат Ғуломов, Ҳаёт ва Жавдат Шарифхўжаевлар ва бошқа чекист-тадбиркорлар томонидан Ғарбдаги банк депозитлари ва кўчмас мулкларга инвестиция қилинади. Масалан, Рустам ва Шариф Иноятовлар Аргентинанинг “Puerto Deseado” ва “Punta Loyola” денгиз портларига эгалик қилишади. Биз Иноятовларнинг Туркия, Малайзия, Испания, Италия ва дунёнинг бошқа мамлакатларидаги кўп сонли меҳмонхоналари, вилла ва бошқа кўчмас мулкларини санаб ўтирмаймиз.

Олинган даромадларининг кичик улушини улар “Sunday”, “Макро” ва шу каби бошқа гипермаркет ва кўнгилочар марказларини ривожлантириш учун сарф қилишади. Ўзбек чекистларининг

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бизнес тузилмалари уларнинг ҳайдовчилари, ошпазлари, қоровул ва бошқа хизматчи ходимлари номига расмийлаштирилган бўлиб, уларга ушбу даромадлардан фақатгина жуда кичик қисми тегади.

Аммо шу жуда кичик қисми ҳам уларга (хизматчи ходимларга) Ўзбекистон ичида ва чет элларда қимматбаҳо кўчмас мулклар сотиб олиш учун етарлидир. Шу сабабли Тошкентлик чекист-тадбиркорлар ичида “қўшни республикаларда вазир бўлгандан кўра, ўзбек мххчисининг ҳайдовчиси ёки қоровули бўлган яхшироқ” деган ҳазил кенг тарқалган.

Бизнинг ҳисоб-китобимиз бўйича, Рустам ва Шариф Иноятовларнинг умумий молиявий ва моддий ҳолати деярли 25 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади, Ботир Парпиев ва унинг оиласи тахминан – 11,5 миллиард, Ҳаёт ва Жавдат Шарифхўжаевларнинг бойлиги – 10 миллиард атрофида ва Шухрат Гуломовнинг молиявий ҳисоби – 7 миллиард АҚШ долларидан бир оз камроқдир.

Ва бу рақамлар музлаб қолмаган: улар ўсган ва ҳар кун ва ой сайин янада ўсиб бормоқда. Шунинг учун Ўзбекистоннинг янги президенти томонидан бошланган иқтисодни эркинлаштириш ва монополиядан чиқариш бўйича ташаббус, чекист-олигархларнинг ушбу даромадларига тўғридан-тўғри таҳдиддир. Бундай ҳолатда улар, чекистлар тинчлигини бузувчи янги шахсдан эҳтиёткорлик билан қутулишга қарши эмаслар. Ахир, Рустам Иноятов ва унинг қўл остидагиларининг бундай ишларда тажрибалари бор. Шундай қилиб...

Қандай қилиб “контора” эҳтиёткорлик билан Гулнора Каримовани бартараф қилди?

Иноятов ва унинг “контора”си олдида Гулнора Каримова фақатгина ўзбек МХХси олигархларинazorати остида бўлган ҳудудларга кирмоқчи бўлганлиги билан “айбдор” бўлди. Узоқ вақт президент қизининг бизнес иштиёқларига сабр қилиб келган Иноятов, ўзининг “Зеромакс”и билан “Ўзнефтмахсулот”га рақобат кўрсата бошлагач, Гугушани бартараф қилишга киришди.

Ушбу мақсади учун Иноятов,



КПСС марказий кўмитасининг бош қотиби Леонид Брежневни қизи Галина билан жанжаллаштирган Андропов йўлидан юрди. Ўз “устоз”ига эргашган Иноятов ўзининг мххчи-қўриқчилари орқали Гулнора Каримовани алкоғол ва енгил наркотикларга ўргата боошлади. Гулнора кокаинга етарли даражада ўрганиб қолгандан сўнг, Иноятов кичик Ислон Каримовни, яъни Гулнора Каримованиннг ўғлига “ишлов бериш”га ўтди.

Ўз ўғлининг чўнтақларидан бир неча маротаба кокаин солинган пакетчалар топгандан сўнг Гугуша ўзига келди. У дарров Ислонни заҳар билан таъминлаб келган мххчи-қўриқчиларни ҳайдаб юборди. Кейин ўз ўғлининг ҳимояси учун Гулнора Каримова, Тошкентлик тадбиркорлар ичида Боҳо-шакарчи номи билан танилган Боҳодир Каримжоновнинг жиянларини ёнлади. Аммо, ҳатто улар ҳам Ислонни “контора”нинг кокаинларидан ҳимоя қила олмадилар. Гулнора Каримова ушбу ҳолат тафсилотларини аниқлаштира бошлаганда, маълум бўлдики, “конторачилар” шунчаки келишган ва Б.Каримжоновнинг жиянларига ўлим билан таҳдид қилишган ва уларга пакетчаларни Ислонга беришларини буюришган. Ушбу ҳодисадан кейин Гулнора Каримова ўз ўғлини янги соқчилар билан Лондонга юборди.

Гулнора Каримовага қарши маҳфий курашнинг иккинчи босқичида, Рустам Иноятов ўзининг рақибига тегишли кенг молиявий компроматни, Ғарб оммавий ахборот воситаларида тарқатиш илтимоси билан Россия федерал хавфсизлик хизматида топширди. Россия махсус хизматлари Р.Иноятовнинг ушбу илтимосини бажонидил бажаришди, чунки ўша йилларда президент Ислон Каримов навбатдаги Россияга қарши кайфиятда ва чиқишларда кузатилаётган эди.

Гулнора Каримовага ҳужумнинг кейинги босқичи, Рустам Иноятовнинг, Гулнораниннг онаси

ва синглиси, Татьяна ва Лола Каримовалар билан иттифоқи бўлди. Охир оқибат, Иноятов уларни Гулнора Каримовага тегишли “сексуал файл”ни президент Ислон Каримовга етказиш учун қўлланди. Отага ўз қизининг рад қилиб бўлмас ахлоқсиз хулқининг исботи тақдим қилинган эди. Ва натижада Иноятовнинг бизнес бўйича рақиб Гулнора Каримова ўз отасининг қўллари билан бартараф қилинди! Шундай қилиб...

Хулоса

Рустам Иноятов ва унинг чекист-олигархлари ўз бизнесларини осонликча бериб қўйишларига кафолат борми? “Контора” ва унинг хўжайини, чекист тинчлигининг навбатдаги бузғувчиси, ўзбек иқтисодини монополиядан чиқариш ва эркинлаштириш лозимлигини таъкидлаётган – Шавкат Мирзиёевдан қутулишга урунмасликларига ишониш мумкинми?

Ҳа, Рустам Иноятов ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзди. Лекин бўшаш ҳақидаги биргина қоғоз ўзбек махсус хизматлари бошлигининг ўз чекист-олигархларига бўлган ҳақиқий таъсирини бекор қиладими? Бизнингча, йўқ.

Айтмоқчи, Рустам Иноятовнинг саломатлиги ҳақида. Рустам Иноятовни телевизорда кўрган баъзи ўқувчилар, бизнинг мақолаларимиз остида, гўёки биз қари эртақчилар эканлигимиз ҳақида изоҳлар ёзиб қолдиришган. Биз ҳеч қачон Рустам Иноятов ўлимга олиб келувчи хасталикка учраган деб ёзмаганмиз. Биз, у саломатлиги билан боғлиқ ҳолат бўйича истеъфога чиқмоқчи деб ёздик.

Эслатиб ўтамиз, Рустам Иноятов хассага таяниб юради ва деярли ишга чиқмайди. Муҳим учрашувлар ва қабуллардан олдин, унинг омма олдида хасса ва оғрикларсиз чиқа олиши учун оғрик қолдирувчи укол қилишади. Ўзбек телевиденияси орқали кўрсатилган “Яхши саломатлик ва тетик кўринишда”ги ўзбек махсус хизматлари раиси ҳақидаги бор гап шу.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
Сиёсатшунос
20.01.2017

Буюк донишманд, авлиё бобомиз ал-Ҳаким ат-Термизий дейдилар: "Дунё; ҳукмдорлар учун келин, зоҳидлар учун ойнадир. Ҳукмдорлар унинг-ла безанур, зоҳидлар эса офатларига боқарак, ундан узоқлашиб, тарк этарлар..."

Бугун дунёнинг турфа бурчакларида рўй бераётган зўравонликлар, тожу тахт, бойлик, амал талошишлар ва бу бўҳронлар ичида ноҳақ ҳалок бўлаётган минглаб одамлар, маъсум гўдакларнинг аянчли тақдирини кузатиб, бу ҳикматнинг нақадар ҳақ эканлигига яна бир карра амин бўлаётирмиз.

Аммо ҳақиқат шулки, ҳоҳ ҳукмдор бўлиб яшасин, ҳоҳ мазлум бўлиб, алал-оқибат, динию ирқи, миллатию маслагидан қатъий назар, ҳамманинг борар ери бирдир...

Дунёнинг адолати нисбийдир. Гоҳо бирёқламали, гоҳо мунофиқона бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам барча илоҳий китоблар огоҳлантиради: охираат бор, мезон бор, ҳисоб бор, Ҳақнинг адолати бор!

Мянмардаги мусулмонларнинг тирик-тирик ёқилаётганлиги хусусидаги хабарларларни ўқиб... қачонлардир бу дунёи бебақога бир қуш каби қўнган-у, яна манзилога қайтиб учиб кетган бир маъсума ҳақидаги мунгли ҳикоя хотирга келди ва кўнгилни паришон этди.

...Инсониятнинг олис тарих саҳифаларидаги бир аёл... Етти кўкнинг қатларида ифори таралган... қудсий бир макондан ер олмоққа мушарраф бўлган бир аёл... Унинг ҳузунли ҳаёт ҳикоясини эшитган кўнгилларни мумдайн эритган сабр обидаси... Заифа яратилганига рағбан ўз иймонида сўнгги нафасигача собит қололган жасорат тимсоли – Мошита... (Мошита – тарокчи, аёллар сартароши мазмунини англатади.)

Исми ноаник, фақат касбу кори ила маълум бўлган ул шоҳидадан, не шарафки, муборак пайғамбаримиз Мухаммад (салоллоҳу алайҳи вассаллам) баҳс этадилар...

Ҳазрати Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) меърожга чиққан пайтларида мухташам бир ифор тўйдилар самода. Ҳайрат ичра сўрдилар: "Бу хуш ифор ненинг ё-да кимнинг ифоридур?"

Жаброил алайҳиссалом жавоб бердилар:

-Бу Мошита ва жужуқларининг ифоридир.

Расуллуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

-Ким эди у Мошита?

Жаброил алайҳиссалом Мусо алайҳиссалом замонида яшаб ўтган Ҳазрати Мошита Хотун воқеъасини англатдилар.

Воқеъа будир:

Мошита золим Фиръавннинг



Мянмарнинг ёнаётган Мошиталари...

эркатой қизига соқчи, тарокчи эди. Қизни сочларини ювиб тараб, оролантириб кўярди.

Бир кун Фиръавннинг қизини оролантираркан, кўлидаги тарок ерга тушиб кетди. У тарокқа узанаётиб, беихтиёр "Бисмиллоҳ" деди, яъни "Аллоҳнинг исми ила..."

Фиръавннинг қизи бирдан сўради: "Ким у Аллоҳ?... Отамни назарда тутаяпсан, шундайми?"

Мошита ёлғон сўзлай олмасди. Чунки унда иймон устивор эди. Шу боис деди: "Отангни, сени, мени ва бошқа минглаб одамларни, еру осмонларни, бутун коинотни яратган Аллоҳни зикр этдим. Сенинг отанг Аллоҳ бўлмас, қизим. Аллоҳ Мусонинг сўйлагани кабидир!"

Фиръавннинг қизи отаси томон югурди. "Мошита йўлдан озди... Сени танимаяпти, Аллоҳ эмаслигини айта бошлади, у Мусонинг Роббисига инонармиш", - дея арз этди.

Фиръавн ғазабланди. Мошитани келтиришни буюрди. Келтирдилар. Бошқаларга "дарс" бўлсин учун Мошитани қийноққа солдирди. Сочларидан осдирди, тирноқларини суғуртирди, бармоқларини кесди... Қўлларига занжир боғлаб кунларча оч қолдирди. Сўнг чормих эттирди. Аёл барибир Аллоҳдан юз ўгирмади. "Ожизсан, фонийсан, заволлисан, мухтожсан! Онанг, отанг каби бир кун ўлажаксан. Аллоҳ эмаслигини ўзинг ҳам биласан. Аммо кибринг... Салтанатингни йўқотишдан кўрққанинг учун ёлғон сўйлайсан, алдайсан, одамларни кўрқитасан, зулм қиласан... Холбуки, Аллоҳ азалий ва абадийдир! Аллоҳ буюқдир, Мусо алайҳиссалом унинг қули ва пайғамбаридир!" - деди.

Бу қадар жасорат ва ҳақ сўз

олдида чорасиз қолган Фиръавн Мошитанинг беш ёшли қизи ва уч ойлик ўғлини келтиришни буюрди. Келтирдилар. Мошитага деди: "Ё Аллоҳни инкор эт, Фиръавнни худо бил, ё-да фарзандларинг оташда ёнажак..." Аёл яна: "Роббим – Аллоҳ, пайғамбарим – Мусодир!" - дейиши ҳамона золимнинг ҳиддати ортиб, ханжарини жажжи қизалоқнинг бўғзига таяди.

...Мошита онадир... дунёнинг барча оналари каби – бутун борлиғи ила меҳру шафқатга, муҳаббатга тўла... Аммо аввало иймон, Яратганга итоат энг муҳимидир...

Фиръавн яна: "Менга топин, Аллоҳни инкор эт!" - деди. Мошита сўздан қайтмади...

Жоҳил Фиръавн ҳаддидан ошди: Мурғак қизчанинг бўғизларини кесарак, қонини ҳовучлаб, онасининг оғзидан, бурнида кўйди. Сўнг жажжи жасадни қизиган ёғнинг ичкарисига отди ва этлари тамоман тўкилгунга қадар олов ёқдирди...

Мошита бир ён, қизалоғи иккинчи ёндан фарёд солса-да, не ёзуққи, бир онанинг Аллоҳни инкор этмагани, сабабидангина бу қадар зулм унга раво кўрилди...

Шунинг учун ҳам халқ хануз золим кишиларнинг ишларига "Фиръавн каби" дея таъриф беради. Чунки фақат Фиръавнларгина жаҳолат, тубанликка бу қадар чуқур кетдилар...

Мошита бутун борлиғи билан иймон кучига таянмоққа давом этди - том бир мўмина каби, том бир сиддиқа каби, том бир Аллоҳнинг дўсти каби: "АЛЛОҲ БИРДИР ВА ЯГОНАДИР!..."

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Иймон кучли эса, синов ҳам кучли келадир...

Қутурган Фиръавн энди Мошитанинг уфоққина ўғлини йўргакдан олди... Мошитага яқинлаштирди. Гўдак оч эди... гўдак шафқатга муҳтож эди... Онасини кўриши ҳамано эмиш учун талпинар, озук истарди... Неча кундир эмизиксиз қолган гўдак онасининг ҳидини оларкан, нашъали бир кўмсаш ила озукланмоққа талпинарди. Аммо золим ушоққина этни онасига қайта-қайта яқинлаштириб, яна озиклантирмасдан орқага тортарди...

Қани, бир она учун таянилажак он?...

Фиръавн илкис гўдакнинг оёқлардан тутиб, порил-порил ёнаётган печнинг оғзини очди. "Ё менга топинасан, ё-да ўғлинг ўтда ёнажак!" - дея хириллади.

Мошита бор кучи, бор бардоши билан таянди, аммо бир нуқтада бу таянчидан айрилдики, қирқ қилиққа кириб васваса бермоққа киришган шайтон унинг кўзига кўринди деди: "Сен нақадар тошдил инсонсан, сен нақадар вафосиз бир аёлсан, сен нақадар шафқатсиз бир онасан-а?... Фарзандларинг бир-бир кетяпти... Бор йўғи бир мартагина дилдан бўлмаса ҳам тилдан Аллоҳни инкор этсанг бўлди, гўдагингни қутқарасан... Аллоҳ йўқ, Фиръавн Аллоҳдир, дегин, тамом..."

Мошита бир зум ғафлат ичинда қолиб, шайтоннинг сўзларини такрорлашга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, бирдан Раҳмат малаги зоҳир бўлди ва деди: "Мошита, сабр эт, сабр, яна озгина сабр!..."

Айни шу он Аллоҳнинг қудрати ила Мошитанинг гўдаги тилга кирди ва дедик: "Онажон, сўнгига қадар таян, сабр эт, шайтоннинг сўзига кирма, сен ҲАҚ йўлидасан! Жаннат ила сенинг орангда бир одимгина қолди, бу қадар!..."

Фиръавн гўдакни сустиролмади. Тутгани каби ёнаётган печга отди... Аммо сас сусаймас, ортар, гўёки оловлар тилга кириб порил-порил кўкка ўрлар: "Онажон, жаннат неъматлари ёнгинангда... Опачам ила сени қутяпмиз... Бок, ҳурилар сен-ла кўришмоққа ҳозирланмоқдалар!" - дея қуббаларда акс-садо бераётгандек эди...

Мошитанинг хожаси - эри, Фиръавннинг мулозимларидан бири эди. Уни ҳам қатл майдонига келтирдилар.

Рафиқасининг забун ҳоли ва фарзандларининг қатлини кўрган мулозим ҳам исенга келди ва бор овози билан қичқирди: "Сен худо эмассан, Фиръавн! Сен золим ва

заволли бир қулсан! Аллоҳнинг лаънати бўлсин сенга, лаънатлар бўлсин!..."

Кўзлари қонга тўлган дарғазаб Фиръавн мулозимини ҳам қатл эттирди... "Ким мени худо деб билмаса, ҳаммасини ўлдираман, бу бошқаларга ибрат бўлсин", - деди заволли...

Навбат Ҳазрати Мошитага келганди. Дарҳақиқат, Мошита айни нуқтада Ҳазрати Инсон, Ҳазрати Аёлга айланган эди...

Ҳазрати Мошита Фиръавн қаршисида соғлом ва мустаҳкам, чўкмас бир қоя каби турарди... Улими олдидан "Сўнги бор бирор калима сўйла!" - дейилганида, шундай деди: "Сендан ҳеч бир марҳамат истамайман, аммо ягона бир истагим бор. Мени ва фарзандларимни бир мозорга кўмишсин!"

Мошитанинг гўдак ўғли бозиллаб ёнаётган печ ичидан туриб жаннат хабарини бераркан, пардалар қалқди: Ҳақ ва ботил орасидаги пардалар... Мошита Хотун абадият оламидаги маънавий мақомини кўрди ва беҳол вужудига ажиб бир роҳат, ҳорғин лабларига табассум ёйилди... Ҳодисага шохид бўлганларнинг Ҳазрат-и Мусога инонажагидан қўрққан Фиръавн бояқиш аёлни бошини танасидан жудо қилди... Аммо ўзи ҳаётининг сўнгига қадар бу ҳодисанинг таъсиридан қутула олмади...

Фиръавн Ҳазрати Мошитага биргина марҳамат кўрсатди. У ҳам бўлса, Мошита ва фарзандларини айни мозорга кўмишга изн бергани эди.

Ҳазрати Пайғамбаримизнинг меърожда туйгани муҳташам ул ифтор, ана шумозорнинг - энг қаттиқ, даҳшатли синовга солинганда ҳам Аллоҳни инкор этмаган Мошита ва унинг оиласи, маъсум гўдаклари кўмилган мозордан таралаётган ифтор эди...

Баъзи ривоят қилинган ҳадисларда Мошитанинг 12-13 ёшлардаги яна бир фарзанди - қизи борлиги ва у ҳам айни шаклда қатл қилинганлиги айтилади.

Тарих манбалари бу саҳиҳ ҳадисни Ибн-и Аббос, Ибн-и Касир, Убай ибн-и Каъб, Ибн-и Можжа, Аҳмад ибн Ханбал, Имом ал-Байҳақий (р.а.) каби улуғлар ривоят қилишганлигидан шаҳодат беради.

Ибн-и Аббос (р.а.) мазкур ҳадисни аңлатгандан сўнгра шу маълумотни қўшимча қилган: "Дунё тарихида шу тўрт гўдак тилга кирган: Юсуф пайғамбарнинг шохиди, Журайжнинг соҳиби, Марям ўғли Исо ва Фиръавн қизининг тароқчиси бўлмиш Мошитанинг ўғли."

...Дунё дунё бўлиб яралибдики, одам болалари учун икки йўл бордир: ё буқилмас тоғлар каби

сабот ва асл ўлим, ё-да золимлар қаршисида тиззалари титилгунча тиз чўкиб ҳақни сотмоқ ва вафосиз дунёдаги вафосиз бир сўнг...

Азалдан шундай: иймони кучлиларнинг бошига келган синовлари, балолари ҳам кучли бўлган... Кўплар бу синовларнинг сирт ҳамласиданоқ синиб кетганлар, Мошита эса бутун борлиги ила шафқат ва марҳамат маликаси - ОНА сиймосида яратилганига қарамай, заифа жони ила бу оғир синовнинг то ичкарасига, сўнгигача борди, таянди, таяна олди...

Азиз замондош! Муҳаддислар, ровийлар сўйлаган бу ҳикояни ўқиётиб, воқеа қаҳрамонининг ўрнига бир зум ўзингизни қўйиб кўрдингизми? Жилла курса, ўзингизни бир зум шу машъум воқеаликнинг гувоҳи сифатида тасаввур эта олдингизми?... Нималарни ҳис қилдингиз?... Зотан, бу олис тарихнинг бир чўпчаги эмас. Аччиқ ва оғир бир воқеаликдир. Воқеа бўлганда ҳам пайғамбарлар пешвосининг муборак лафзидан сўйланган ҳақиқатдир!

Мошитанинг ўрнида бўлганида қай бир она дош бера оларди бу синовга?...

Дунё - очик китоб... Дунёга теран ва очик кўз билан боқинг. "Тарих такрорланиб туради", деган сўзнинг бир қадар ҳақлигига амин бўласиз.

Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг илк фарзандлари бўлмиш Қобил ва Ҳобил қиссаси: иймон ва ширк, эзгулик ва ёвузлик, илм ва жаҳолат кураши ҳануз Ер саҳнида давом этиб келаяпти. Фақат замон ва макон пардалари алмаштирилиб турибди холос, сахна ҳамон ўша-ўша... Ҳар бир даврнинг ўз Фиръавнлари, ўз Мусолари ва Мошиталари, ўз Намрудлари ва Иброҳимлари бор...

"Ахир, биз интеллектуал асрда таяяпмиз. Одам кашф этмаган техника, қулайлик жиҳозлари қолмади ҳисоб. Одам оёғи Ойгача етди. Ахир, дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари Марсда маскан қуриш орзуси билан яшаётирлар. Биздек ақлилар асрда бундай воқеалар рўй бериши мумкинмас", дейишга шошилманг.

Моддий кашфиётларга асир бўлиб, кўнгил кашфиётларидан олислаб кетган инсоният зоҳиран ҳашамлашиб, ботинан қашшоқлашиб кетаётгани, афсуски, ҳақиқат...

Магар сўзларимга шубҳа қилсангиз, магар бугунимизнинг Мошиталарини кўрмоқчи бўлсангиз, боқинг Мянмарга...

Улар сизу бизга ўхшаб ўтмишнинг оғир ҳикоясини ўқиётгани ё

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тинглаётгани йўқ, айна замонда шу даҳшатли вақеъликни ўз бошларидан кечираяптилар. Биз ўқиётимиз юрагимиз увишган ваҳшат тўла жонли қиссаларни ўз ҳаётлари билан яшаяптилар... Мянмарда йиллардир бир эмас, ўн эмас, юз эмас, минглаб Мошитар маъсум гўдаклари, фарзандлари, оилалари ила бирликда тирик-тирик ёнаётир, ёқилаётир, хўрланишлар, очликлар, тажовузлар, таҳқирлар ичида: "Ё Аллох, бу дунёда бизлардан бошқа ҳам Аллохга инонганлар қолдими? Нега бизга ҳеч ким ёрдамга келмаяпти? Нега овозимизни ҳеч ким эшитмаяпти?" дея оҳ чека-чека, чинқира-чинқира жон бераётирлар...

Қани, қани бу қабоҳатга барҳам бера оладиган мардлар? Оёғи Ойга етган инсоният бир кичик давлат "журналистлар ва кузатувчиларнинг ичкарига киришига рухсат бермаётганини" баҳона қилиб қуруқ томошабин бўлиб ўтираверадими бу даҳшат саҳналарига? Қачонгача?... Қолаверса, журналистлар ва кузатувчиларнинг нечоғлик ваколати, имконияти борки, ер юзига хабар ёйиш ва мазлумлар ҳолига кўзёш тўқишдан бошқа?...

Қани хўжамон дунёнинг "хўжа"лари? Улар ўтирган ерларида Ароқандаги ер ости бойликларининг исини ҳис этадилар, ҳисобини чекадилар-у, ер устида – замонавий дунёда тириклик ёқилиб, кулга айлантириладиган жасадларнинг

ҳидларини сезмайдиларми, додларини эшитмайдиларми? Узларининг ўнг тиззасида ўйнаб ўтирган ўғли ва ё чап тиззасида чакнаб турган чарос кўзли қизчасининг бошидан саратонда офтоб урмаслиги учун соябон сотиб олишга шошиладилар-у, оталик ё оналик шафқати жўш урган юраклари билан оловларда ёнаётган маъсумлар ҳам худди ўзларининг дилбандларидек бир дилбанд – инсон фарзанди эканлигини бирор марта ҳис қилиб кўрмайдиларми?..

Фоний дунёдаги тинчлиги, роҳатлари учун бу даҳшатли зулм олдида сукут сақлаётганлар боқий олам - охиратнинг ҳисобини чекмайдиларми?... Марсга маскан қурмоқни режалаётганлар ер юзининг кичик бўлгасидаги диний озчиликларга катақдай бошпана қуриб беришга қурблари етмайдими? Ёки ловуллаган оловларда жайир-жайир ёнаётган беғунох гўдакларнинг овозини эшитмаслик учун қулоқларга "наушник" тақиб, поп-муסיқасини баланд қўйиб эшитиб юриш асримизнинг "ақлли"лари учун шу қадар қулайми? Қани бу жаҳолатга барҳам беришнинг ечимини топа билгич ҳукмбардорлар, марҳаматлилар, кучли сиёсатчилар, халқаро муқофотлар олган сўзамол лидерлар қани?..

...Мянмар фожеаларига оид бир қанча маълумотлар билан танишар экансиз, ватанда ватансиз бўлмоқликнинг хўрлигини

яшаётган муслмонларнинг, ҳақ-ҳуқуқсиз, ҳимоясиз мазлумларнинг фожеалари юрагингизни қонатади... Таълим олиш, даволаниш ҳуқуқларидан маҳрум улар... Уқиш имконлари йўқлиги учун 80%и саводсиз... давлат идораларида ишлаш мумкин эмас... Ҳатто янги туғилган чақалоқларга гувоҳнома ҳам ололмай қийналаётганлар бисёр... Оила қурмоқ изнлари, имконлари йўқ... Мол-мулк, ва ер соҳиби бўлолмайдилар...

Ииллардан бери барҳам берилмаётган бу зулмга қарши Туркия ва Малайзия ҳукуматининг баёнотидан бошқа бирор давлатнинг жиддий эътирозли баёнотлар бергани, садо чиқаргани, аниқ чора-тадбирлар қўллаганини учратиш мушкулроқ...

БМТнинг яқинда Мянмар муслмонлари хусусида чиқарган баёноти аҳамиятли, албатта. Аммо натижа, ижро қандай бўларкин? Ҳамма гап шунда...

"Худога шукр, бизда тинчлик. Ўзимиз тинч бўлсак бўлди-да, бошқалар билан не ишимиз бор?" дея ўзингизни чалғитманг, замондош.

Инграётган виждонингизни овутишга уринманг. Зотан, инсоний жамят, ер юзи бир бутун жисм кабир. Унинг бирор ерида жароҳат бор экан ва сиз бунга бефарқ экансиз, бугун бўлмаса эртага бу жароҳат бутун бир жисмни қамраб олиши мумкин...

ШАМСИЯ

Манба: facebook.com

Интернет сайтларидаги хабарларга қараганда, 20 январь куни охириги 8 йил Америка Қўшма Штатлари Президенти бўлган Барак Обама, Президентлик муддати тугагач "Оқ уйни" тарк этган. Тарк этганда ҳам ёруғ юз билан тарк этди.

Чунки у, диндорларни террористлар, Экстремистлар дея, ноҳақ айбловлар билан қамоқхоналарга ташлатмади. Муҳолиф партияларни "Бузгунчилар" дея йўқ қилмади. У, амалдаги ҳукуматга танқидий фикрда бўлган газета ва журналларни ёптириб ташламади. У, сайловларда яраб қолар деган мақсадда, бир талай чўнтак партияларни яратмади. Унинг президентлик даврида миллионлаб америкаликлар иш излаб ўзга давлатларга чиқиб кетмадилар.

Барак Обамани қизлари пора, ўғирланган пуллар ҳисобидан дунёнинг турли бурчакларидан



Конституция муқаддасми?

ўзлари учун қононалар сотиб олмадилар. Миллиардлаб долларларни офшор зоналарга ўтказиб яширмадилар.

Ҳақли савол туғилади. Наҳотки Барак Обама президентлик даврида хатоларга йўл қўймаган бўлса?

Хато қилган бўлиши мумкин. Чунки Америкада улкан, қудратли бир давлатни бошқариш унчалик осон иш эмас. Фикримча унинг, халқи учун қилган хизмати, йўл қўйган хатоларидан кўпроқ бўлди деб ўйлайман. Акс ҳолда у иккинчи муддат президентликка сайланмаган бўларди.

Ёзганларимни охирида, ёддан кўтарилай деган бир ҳақиқатни ёзиб нукта қўймоқчиман. Ҳақиқат шуки, Америка халқи ўз Конституциясига юксак ҳурмат билан, муқаддас бир тушунча билан қарайди. Хусусан Барак Обама ҳам. Шунинг учун ҳам у, Конституцияни оёқ ости қилмади. Ўзига мослаб тез тез ўзгартиришлар киритмади. Энг муҳими Президентлик курсида ўлгунича қоламан деб баҳоналар изламади. Конституцияда кўрсатилган икки муддат 8 йил Президент бўлдида кетди.

Мирзо Равшан
2017 йил январь



УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АМАЛДОР-РАҚИБЛАРИ ЯШИРИН ИТТИФОҚДА БИРЛАШДИЛАР

Шу йилнинг январ ойи ўртасида Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг амалдор-рақиблири МХХ раиси Рустам Иноятов бошчилигидаги яширин иттифоқда бирлашдилар. Мирзиёевга қарши коалицияга яна уч киши қўшилди. Шундай қилиб...

“April” ресторанидаги юзма-юз музокаралар

Шу йилнинг 16 январидан бошлаб Ўзбекистоннинг тўртта юқори мартабали амалдорлари, пойтахтнинг Юнусобод туманида жойлашган “контора”нинг “April” ресторанида юзма-юз яширин музокаралар ўткази бошланди. Шавкат Мирзиёевни ҳақоратлаш ва янги президент сийёсатига қарши ҳамкорликдаги ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш учун, МХХ раҳбари Рустам Иноятов, собиқ Молия вазири Рустам Азимов, Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев ва Марказий банк бошлиғи Файзулла Муллажоновлар икки кунда бир мартаба йиғилиш ўтказмоқдалар.

Ушбу иттифоқни ташкил қилиш ташаббуси ўзбек махсус хизматлари раҳбари Рустам Иноятовга тегишли. 2016 йилнинг ижтимоий-иқтисодий яқунлари бўйича ҳукумат мажлисида Рустам Азимовнинг президент Шавкат Мирзиёев томонидан қаттиқ танқид қилиниши ортидан, МХХ раиси ўз адашини “кечки овқат”га таклиф қилган. Шундай қилиб Ислом Каримов даврида ўзаро яширин низолашиб келган икки бир-бирига қарши амалдорлар, музокаралар

столига ўтиришди ва ўзларининг умумий душманлари – Шавкат Мирзиёевга қарши “кутилмаган ҳаракатлар”ни муҳокама қилишди.

Кечки овқат давомида мамлакатнинг амалдаги президенти, ўтган йилнинг август ойи охирида Россиялик олигарх Алишер Усмонов, Рустам Иноятов, Рустам Азимов, Зелмихон Хайдаров ва Шавкат Мирзиёевларнинг фавқуллода учрашуви давомида эришилган жентелменлик келишувини бузганликда айбланди. Ушбу келишувга кўра янги президент Мирзиёев мамлакат Бош вазири лавозимига Рустам Азимовни, МХХ раислиги лавозимига эса Рустам Иноятов таклиф қилган номзодни (ўзбек махсус хизматларининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Гуломовни) тайинлаши керак эди.

Аммо кейинчалик, муълумки, президент Шавкат Мирзиёев Бош вазирлик лавозимини Абдулла Ориповга берди, Рустам Иноятов таклиф қилган номзодни (Шуҳрат Гуломов) эса Сурхандарё вилоятига юбориб, норасмий равишда “лавозимидан туширди”.

Иноятов ва Азимовнинг “April” ресторанида бўлиб ўтган биринчи учрашуви давомида “ёмон одаманинг” шу ва бошқа “яхши бўлмаган ишлари” муҳокама қилинди.

“Мирзиёевга қарши иттифоқ”нинг икинчи учрашувига Рустам Иноятовнинг таклифига биноан унинг қудаси Ботир Парпиев (Давлат солиқ қўмитаси раиси), Марказий

банк раҳбари Файзулло Муллажонов ва собиқ Молия вазири Рустам Азимовлар келди.

“Мирзиёевга қарши иттифоқ” аъзоларининг учинчи учрашуви Шавкат Мирзиёевнинг бир неча кун аввал Қорақалпоғистонга қилган ташрифидан сўнг амалга оширилди. Ушбу ташриф давомида мамлакат президенти Рустам Азимовга “ўз ҳисобидан ҳар бир қорақалпоқ оиласига ўнтадан товук сотиб олиб бериш”ни буюрди. Учинчи “кечки овқат” давомида собиқ Молия вазири ортиқ “ўзига нисбатан қилинаётган оммавий ҳақорат ва камситишларга чидаш учун кучи қолмаган”ини баён этган.

“Мусибатдош” иттифоқчилари Азимовга далда бериб, “ўзидан кетган плебей”га қарши аниқ қадамлар қўйиш кераклигини айтишган. Шундай қилиб...

Мирзиёев ташаббусларига қарши саботаж бўйича режалар

Президентга қарши коалиция аъзолари Шавкат Мирзиёев ташаббусларига қарши аввал молиявий ва иқтисодий қарши чораларни бошлашга келишиб олишди. Шундай қилиб, Ботир Парпиев, гарчи бу Шавкат Мирзиёевнинг декабр ойидаги тадбиркорлик субъектларини текширишни тўхтатиш ҳақидаги фармонига зид бўлсада, илғор фирма ва компаниялар фаолияти бўйича янги текширишларни бошлашга сўз берган.

Эслатиб ўтамиз, Ботир Парпиев ушбу фармонга очиқчасига саботаж уюштириш тажрибасига эга. Ўтган йилнинг декабр ойида “Истиқлол” (“Халқлар дўстлиги”) концерт залида солиқ ва прокуратура органлари вакиллари, шунингдек Тошкентнинг кўзга кўринган тадбиркорлари иштирокидаги йиғилиш бўлиб ўтди. У ерда Ўзбекистон МХХ раиси қудаси бир неча минг кишидан иборат тингловчилар олдида сўзга чиқиб, ҳеч иккиланмасдан шундай деди: “Туғаётган йил давомидаги солиқ органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувлари мамлакат бюджетига 13 миллиард сўмдан ортиқ фойда келтирди. Янги фармон талабларини бажариш, йиллик 13-15 миллиард сўмдан ихтиёрий равишда воз кечишни англади. Ва шу пуллар виждонсиз тадбиркорлар чўнтагида қолиб кетиши керакми?!”.

Шундай экан, эҳтимол, бу йилда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

биз, бир тарафдан тадбиркорлар ишига давлат органларининг ноқонуний аралашувига йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақидаги президент Мирзиёевнинг баёноти, бошқа тарафдан эса, Ботир Парпиев ва унинг солиқчилари томонидан бошланган айнан шундай аралашувларни кузатишимиз мумкин.

Президентга қарши тўртликнинг сўнги “кечки овқат”и давомида Файзулла Муллажонова, Ўзбекистонда Америка доллари қора курсини кескин кўтариш учун қора бозорга нақд чет эл валютаси оқими ҳажмини қисқартириш топширилган. Мирзиёевга қарши тўртликнинг режаси бўйича Ўзбекистондаги долларнинг қора курси шу йилнинг феврал ойи охирига қадар ўн минг сўмдан ошиб кетиши керак.

Шунингдек, Файзулла Муллажонова нақд пул эмиссиясини кескин қисқартириш ва пластик карталарига тўлов улушини ошириш “маслаҳати” берилган. “Унинг [Шавкат Мирзиёевнинг – У.Х.] ҳукуматидан давлат ва пул кредитлари бўйича фоизларни талаб қила бошланг. Ва шунда биз кўрамыз, қандай қилиб у [Шавкат Мирзиёев – У.Х.] пластик карталарда сўмнинг нақд пул билан мажбурий таъминланиши бўйича ўзининг ваъдаларини бажарар экан!” – деган Рустам Азимов президентга қарши иттифок аъзоларининг учинчи “кечки овқати” пайтида.

Шундай экан, эҳтимол, жорий йилда биз доллар қора курсининг ўзбек сўмига нисбатан кескин ўсишини, натижада импорт маҳсулотлари нархига бўладиган зарба, ҳамда нақд пул етишмовчилигини кузатишимиз мумкин.

Эҳтимол, Мирзиёевга қарши тўртликнинг режаларига фақатгина молиявий ва иқтисодий эмас, балки бошқа, масалан, президент Мирзиёевнинг эркин ташаббусларига нисбатан ахборот ва психологик саботаж чоралари ҳам кирар. Шундай қилиб...

Рустам Иноятов ўзбек телеканаллари “юлдузи”ми?

Ўзбек телеканаллари икки кун кетма-кет, МХХ раиси Рустам Иноятовнинг Тошкент аэропортида президент Мирзиёевни кутиб олишини кўрсатди. Ушбу тадбирни суратга олиш ва эфирга бериш жараёни Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раиси

Алишер Хўжаев (Ўзбекистон МХХ офицери) томонидан, шахсан Рустам Иноятовнинг буюртмасига асосан ташкил қилинди. Ушбу кадрларни кўрганлар, Иноятов Мирзиёев билан қўл бериб кўришгандан сўнг демонстратив равишда президентдан юз ўгиргани ва бошқа тарафга қараб кетганига эътибор беришди.

Ўзбек махсус хизматлари бошлиғи ушбу суратга олиш ва эфирга узатиш жараёнларини атайлаб бизнинг яқинда эълон қилган, Мирзиёев Иноятовнинг жамоатчилик олдидаги кузатиш маросимларидан воз кечганлиги, МХХ раисининг саломатлиги билан боғлиқ муаммолари натижасида ишга чиқмаётганлиги ҳақидаги мақолаларимизга жавобан уюштирди. Ушбу кадрлар ёрдамида у ўзининг тирик ва саломат эканлигини кўрсатишни истади. Қолаверса, Тошкент аэропортида ўзининг демонстратив равишда Мирзиёевни эътиборга олмаслигини кўрсатиб, бу билан Мирзиёевни давлат раҳбари сифатида тан олмаслигини билдирди.

Ахир, Рустам Иноятов Ўзбекистон президенти сифатида ўзининг биринчи ўринбосари – ёш Шухрат Ғуломовни кўришни истаган эди. Фақат Алишер Усмонов ва унинг бошлиғи Владимир Путиннинг буни ҳоҳламаслиги Шухрат Ғуломовнинг Ўзбекистон президентлигига тайинланишига тўсқинлик қилди. Путин ва Усмоновга Шухрат Ғуломов оила аъзоларининг Россияга душман бўлган мамлакат – АҚШда истекомат қилиши ёқмади.

Эҳтимол, бундай буён Ўзбекистонликлар МХХ раисининг, президент ва унинг сиёсатидан норозилигини демонстратив равишда кўрсатаётган телекадрларни тез-тез кузатишлари мумкин. Чунки, Мирзиёевга қарши тўртликнинг режаларига фақатгина молиявий ва иқтисодий эмас, балки президент Мирзиёевнинг эркин ташаббусларига нисбатан ахборот ва психологик саботаж чоралари ҳам кирди. Шундай қилиб...

Хулоса

Ўзининг бир неча кун аввал Қорақалпоғистонга қилган ташрифи давомида Ўзбекистоннинг янги президенти, унинг ташаббусларини муваффақиятли амалга ошириш учун, биринчи ўринда, ўзбек халқининг ишончи ва қўллаб-қувватлаши зарурлигини таъкидлади. Бу масалада у ҳақ.

Халқнинг қўллаб-қувватлашисиз

унинг, Ислом Каримов даврида ўзбек иқтисоди ва давлатини хусусий мулкка айлантирган махлуқлар қаршилигини енгиши мумкин эмаслигини Мирзиёев жуда ҳам яхши тушунади. Чекист олигархлиги, янги ҳукумат томонидан кўзда тутилаётган адолатли ва монополиясиз тадбиркорликка осонликча рози бўлмаслигини президент билади. Шунингдек Шавкат Мирзиёев, ушбу 4-5 та махлуқ ортида мавжуд тартибларнинг ўзгаришини жудаям истамаётган юзлаб ва минглаб ўрта ва кичик амалдорлар, тадбиркорлар ва раҳбарлар борлигини яхши англайди.

Сўнги воқеалар (Мирзиёевнинг амалдор-рақибларининг яширин иттифокда бирлашишлари) ва президент баёнотлари (ўзбек халқининг ишончи ва қўллаб-қувватлаши зарурлиги ҳақидаги) таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Кремл ва Кремл олигархларининг бутунлай қўллаб-қувватлашларига қарамай, Шавкат Мирзиёев ҳали мутлақ ҳокимиятга, эркинлик ва Ўзбекистон иқтисодида ўз эркин ислохотларини амалга ошириш имкониятларига эга эмас.

Ушбу таҳлил, Мирзиёевга шунингдек мамлакат ичидан сиёсий ва куч ишлатар тизимлар қўллаб-қувватлаши лозимлигини ҳам кўрсатмоқда. Иқтисодиёт соҳасида тўла қонли эркинлик ташаббусларини амалга ошириш учун фақатгина ИИВнинг қўллаб-қувватлаши аниқ етарли бўлмайди. Бундай ташаббусларни ички сиёсий доирада қўллаб-қувватлаш механизми эса Ўзбекистонда шунчаки мавжуд эмас, чунки мамлакатда ҳукумат ва алоҳида амалдорларга ички сиёсий доирада босим ўтказиш асбоблари аллақачон йўқ бўлиб кетган.

Бундай ҳолатда Мирзиёев сиёсий ва куч ишлатар тизимлар қўллаб-қувватлашини мамлакат ичидан излашга ва топишга мажбур. Ҳозирча янги президент фақатгина Москва ва ўз ҳукумати қўллаб-қувватлаши билан қониқишга мажбур.

Шундай экан, президент Мирзиёевнинг эркинлик ташаббуслари тарафдорларининг хурсандчилигига ҳали эрта: ушбу ташаббус президентга қарши тўртлик тарафидан тўхтатилиши ва унга қарши бош кўтаришлари хавфи остида.

Усмон ҲАҚҲАЗАРОВ,
сиёсатшунос
25.01.2017

Қирғизистонда ортиб бораётган сиёсий ва иқтисодий муаммолар мухолиф партияларни бирлашишига сабаб бўлди. 2 ҳафта аввал Кўлка ҳукумат қурган 3 мухолиф партиянинг лидерлари ўзларининг илк зиёратларини Туркияга амалга оширдилар. Халқнинг 95 фоизини бу бирликка ижобий қарашини таъкидлаган Кўлка ҳукумат Бош вазири Марат Имонкулов, “Туркиянинг FETÖ масаласидаги маслаҳат ва огоҳлантиришларини диққатга олиш лозим деб ўйлаймиз”, деди.

Қирғизистондаги мавжуд иқтисодий ва сиёсий муаммолар, мухолиф партияларни ҳаракатга кечирди. Қирғизистон президенти Олмосбек Отамбоевнинг бир муддат кўринмай қолгани ва ўлкадаги чуқурлашган инқироз натижасида 12 январ куни мухолиф 3 партиядан сиёсатчилар бирлашиб Кўлка ҳукумат қурилди. Октябр ойида бўлиб ўтадиган сайловлардан олдин ўз фаолиятини тезлаштирган Кўлка ҳукумат, илк зиёратини ҳам Туркияга амалга оширди.

FETÖ бизнинг ҳам душманамиз

Кўлка ҳукуматнинг Бош вазири деб эълон қилинган, Қирғизистон Хавфсизлик хизмати бошлиғининг собиқ ўринбосари, собиқ Миллий Хавфсизлик кўмитаси бошлиғи, Халқаро Терроризмга қарши кураш кўмитаси бошлиқ ўринбосари ва Тоза Қирғизистон партияси лидери генерал Марат Имонкулов, “Қирғизистонда юзага келиши мумкин бўлган тартибсизликларнинг олдини олиш учун кураш олиб борамиз. Терроризмга қарши кураш устивор вазифамиз. FETÖ Туркияга ҳам бизга ҳам душмандир. Бизга катта зарар етказмасдан аввал олдини олишимиз лозим. Туркиянинг FETÖ масаласидаги маслаҳат ва огоҳлантиришларини диққатга олиш лозим деб ўйлаймиз”, деди.

Қон тўкилишига изн бермаймиз

Қатар ва Малайзиядаги собиқ Қирғизистон элчиси, Қирғизистоннинг “Эрк” партияси лидери ва Кўлка ҳукуматнинг Ташқи Ишлар вазири Турсунбой Бакир Улу эса Қирғизистоннинг учинчи инқилобни кўтаролмаслигини таъкидлаб, “Қирғиз халқига овозимизни эшиттирдик. Халқнинг 95 фоизи бизга ижобий бокмоқда. Қирғизистондаги барча этник



Қирғизистонда Кўлка ҳукумат қурилди

гурӯҳлар билан баробар ҳаракат қиламиз. Қўшниларимиз билан ҳам деворларни йиқишимиз лозим. Қирғизистоннинг Туркия билан муносабатларини ривожланишига ишонамиз. Янги сиёсатимизни бир миллат мафқураси устида қурамиз. Шимолий ва Жанубий Қирғизистоннинг вакиллари сифатида бирлаштик”, деди.

Саноатдаги ҳамкорликни ривожлантириш зарур

Қирғизистонда узоқ муддат мудофаа саноатига хизмат қилган заводларнинг бош директори бўлган, Кўлка ҳукуматнинг Саноат вазири Жорасул Абдураимов эса, “Тери, пояфзал, газлама борасида қўлимда 100 дан ортиқ лойиҳам бор. Қаерда қандай ишлар олиб бориш мумкин. Турк тадбиркорлари билан ҳамкорлик қилишимиз лозим. Чунки саноат қанчалик кучли бўлса, шу даражада қудратли бўласан”, деди.

Кўлка ҳукуматнинг Транспорт вазири Нурқул Сулаймонов ҳам самарали механизмлар қуриш устида иш олиб бораётганликларини таъкидлади. Сулаймонов, “Қирғизистон фаолият бошланишини кутаяпти. Туркия ва қўшниларимиз билан бирлашишни истаймиз. Халқаро темирўли лойиҳаси тўхтатилди. Эски Ипак йўли лойиҳаси Қирғизистон ва минтақа учун жуда фойдали бўлади. Бу кун тартибимиздаги биринчи масала бўлади”, деди.

Қардошлигимизга йўлбошчи бўлмоқда

Қирғизистон “Эрк” партияси лидери Турсунбой Бакир Улу Қирғизистон жўғрофий жойлашиши сабабидан турли сиёсий ва этник курашларга сахна бўлиб келаётганини таъкидлади. “Қирғизистонда юз берган этник тўқнашувларнинг келиб чиқишида ташқи кучларнинг катта ҳиссаси бор. “қирғиз ўзбекни, ўзбек қирғизни ўлдирди” деган таассурот қолдириш учун ўзбекни ҳам қирғизни ҳам маҳаллий халқ қиёфасига бурканган ташқи кучларнинг агентлари ўлдиргани бугун бизга маълум. Қон-қардош халқларимизнинг бирлигини муҳофаза этишни истаймиз. Туркистонда бу муқаддас бирликни, чинакам қардошликни ўрнатиш ниятидамиз. Туркистон халқларининг бирлиги учун бизга ўрناق бўлиб келаётган, Турк дунёси оқсоқолларидан Муҳаммад Солиҳнинг буюк хизматларини айтиб ўтмасам бўлмайди. Жанубий Қирғизистонда қирғиз ва ўзбекларнинг орасида чинакам қардошлик муносабатларининг янгидан иншо этилишида ҳам Муҳаммад Солиҳ биз билан бирга ўзбеклар ичидаги обрўсини ишга солиб, ўша дўстликни мустаҳкамлаш учун ғайрат кўрсатмоқда”, деди.

"Yeni Şafak" мухбири Ҳамди Қўчўғли (Hamdi Koçoğlu)

Манба: yenisafak.com

Туркия туркчасидан ўзбекчалаштирилди

Яқинда Қозоғистон пойтахти Остонада бўлиб қайтдим. Бу гўзал шаҳарнинг бунёд бўлишида ўзбекларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўз юртида тайинли иш топа олмаган ўн минглаган ўзбеклар, мана шу навқирон шаҳарга келиб, йиллар давомида қурилиш ва бунёдкорлик ишларида иштирок этмоқдалар. Минг машаққат билан муҳожирликда қозонган маблағлари туфайли, иқтисоди тамомила касодга учраган жонажон Ўзбекистонга – оилалари ва қариндош-уруғларига баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзиб келмоқдалар. Уларнинг кўпчиликлари бугунги кунда Қозоғистон фуқаролигини олишга улгурган.

Ўзбекистон ҳукуматига нисбатан узокни кўзлаб сиёсат юргизган Қозоғистон ҳунари бор, қўлидан иш келадиган ўзбекистонликларга кучоқ очиб, уларнинг меҳнатини кадрлай олди. Кечагина ўз ватанларида хонавайрон бўлиб, икки қўлини бурнига тикиб иш излаб келган ўзбекистонликларнинг кўпчиликларининг бугунги кунда Қозоғистоннинг ҳар ерида хусусий тижоратлари – ишлаб чиқариш қорхоналари, дўкон ва овқатланиш муассасалари мавжуд. Кўпчиликлари соғликни сақлаш соҳаси, банк, университетлар ва давлат ташкилотларида хизмат қилмоқдалар.

Улар ким бўлмасинлар, қайси жойда фаолият кўрсатмасинлар, Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларга бепарқ эмаслар. Ер юзидаги ҳар бир ватанпарвар инсон сингари улар ҳам тарихий ватанлари бўлмиш Ўзбекистоннинг тараққиёти ва сиёсий барқарорлигини истайдилар.

Марказдаги кўркем бир масканда ватандошларнинг бир пиёла чой устида йиғилишлари бор экан. Истамасам ҳам, ўрта мактабда бирга ўқиган қозоқ дўстларим, мени кўярда-қўймай у ерга бошлаб бордилар. Йиғилганларнинг сони қирқ нафардан ошарди. Эркаларнинг кўпчиликлари хонимлари билан ташриф буюрган. Бир-икки ёш-яланглар ҳам бор.

Барчанинг оғзида Ўзбекистондаги ўзгаришлар, янги президентнинг ислохатларни шиддат билан амалга оширишга киришгани хусусидаги гап-сўзлар.

Сухбатлар кўтаринги бир рухда эканлиги, сўнган умидларнинг қайта ёлқинлана бошлагани ёниб



Изтироб

турган кўзлардан шундоқ билиниб туради. Хуллас, йиғилганлар кайфиятида кейинги йилларда ҳеч қачон кўрилмаган қатъият ва самимият ҳукмрон.

Менинг диққатимни тортган нарса, ён томонимдаги уч кишининг ўзаро суҳбати бўлди. Тошкентга қайтиб келганимдан кейин ҳам, уларнинг суҳбатини унута олмадим. Ётсам-турсам, уларнинг овозлари қулоқларим остида жаранглайверади.

Аслида, уларнинг суҳбатида одамнинг диққатини тортадиган муҳим бир нарса йўқ, ҳаммаси одатдаги гаплар. Бунақа гап-сўзлар ҳар бир ўзбек хонадониди ҳар кун юз марта гапирилади. Муаммо ҳам таниш, сурункали хасталикка ўхшаб, у ҳам одамлар учун сояси каби фарқсиз бўлиб қолган. Аммо, бу суҳбатда одамнинг ғурурига тегадиган нарса йўқ, деб ҳам бўлмасди.

Гапнинг пўст калласи, эшитганларимни кимгадир илинмасам, ичим бўшамайдиганга ўхшайди. Шунинг учун эзмалик қилиб ўтирмасдан, нимани эшитган бўлсам, эшитганларимни туришидек тўкиб солсам, деган қарорга келдим:

– Ўзбекистон ҳукуматининг коррупцияга ҳужум бошлагани яхши бўлди.

– Янги президентнинг бу қадами жуда тўғри бир тадбир, бўлмаса, хонавайрон бўлган иқтисодиётни кўтариб бўлмасди. Бутун мамлакатни порахўрлар бошқараётган эди. Оёғингни чўзишинг учун ҳам, йиғининг учун ҳам пора талаб қилар эдилар. Одамлар қуруғидан чўзмаса, энсасини қашлай олмайдиган даражага тушганди.

– Мустақиллик йилларида илк бора “Коррупцияга қарши кураш” ҳақида қонун имзоланди. Мирзиёевнинг юрак бетлаб, бу ишга қўл урганига қойил қолиш керак. Мамлакатда пора бериб-

пора олмайдиган бирор раҳбар топилмайдиган бир вазиятда бу ишга киришиш, ҳақиқий инқилоб, демакдир.

– Бироқ ўтган ойлар мобайнида бу соҳада бирор бир тайинли иш қилинмади. Илариги президентнинг давридагидек, ҳаммаси гап бўлиб қолмаса бўлди. Гап бўлиб қоладиган бўлса, Ўзбекистонни тамом бўлди, деяверинглар.

– Мен Ўзбекистонда яхши томонга ўзгариш бўлишига ишонмайман!

– Нима учун?

– Чунки, у ерда тил учиди яхши гаплар гапирилаверади, қонунлар чиқаверади, ҳаётда эса ҳеч нимани амалга оширишнинг иложи йўқ. Ҳамма, шунақа нопок тизимга ўрганиб қолган, ҳалол фаолият юргизишга эҳтиёж сезилмайди. Амалдорлар оғиз кўпиртириб гапиргани билан, уларнинг ўзлари ҳам ишнинг амалга ошмаслигидан манфаатдорлар.

– Мен ҳам шундай, деб ўйлайман. Пора бериб пора олмаган ўзбекистонликни куёшли кунда чироқ ёкиб ҳам топиб бўлмаса керак. Пора сигарет, нос, геройин каби ўзбекистонликларга кайф берувчи, муаммолардан чалғутувчи бир восита бўлиб қолган.

– Ўзингиз пора бериб пора олмаганмисиз?

– Бусиз, Ўзбекистонда яшаб бўларканми?

– Тўғри, айтасиз. Мен ўзим ҳам пора орқасидан оила тебратганман. Пора бўлмаса, Ўзбекистондаги Олий ўқув юртларида бир соат ҳам ишлаб бўлмайди. Ойлик маош жуда кам бўлганда ҳам тишни-тишга қўйиб, бир амаллаб ишласа бўлади. Аммо, пора бериб пора олишни билмасанг, декан, ректорга ўхшаган раҳбарларнинг ўзлари, сенинг кавушингни тўғрилаб қўяди.

– Мирмуҳсин Акбаров деган Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини ўтказиш тест марказининг бошлиғи бўларди...

– Ҳа, у кимсани мен ҳам яхши танийман. Тест марказининг бошлиғи бўлиб ўн йил ишлади.

– Тошкентнинг қоқ марказида, “Ракат” маҳалласида жуда қиммат турадиган қошона тиклаган. Бутун бошли бир мактабнинг бутун коллективи емай-ичмай бир умр ишласа ҳам, унақа қошонани тиклай олмаса керак?

– Албатта! У уй учун камида

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

икки миллион доллар сарфланган. Ана, ўша кимса порахўрларнинг қироли эди.

– У билан Олий ўқув юртлиридаги учар ўқитувчиларнинг кўпчилиги яқиндан таниш бўлган. Деканларнинг ўзлари унга кириш имтиҳонларидаги тестларни ўзгартириб бериш учун қоплаб, пора олиб борардилар. Ректорлар унга қуллуқ қилиб турардилар.

– Мен ўзим шахсий машинада пора ортмоқлаган деканимизни бир неча марта унинг олдида олиб борганман.

– Унинг дунёнинг турли бурчакларида ресторанилари, кальяноналари, ер-жой мулклари бор. У мултимиллионер бўлиб кетган.

– Хабарим бор. Яна, унинг Тошкент Алмати ва Дубай шаҳарларида сутенёр – қўшмачи сифатида машхурлигини ҳам биласизларми? У бу ишдан жуда катта даромад олади.

– Ҳаммасига у тест марказини бошқариб юрган йилларда асос яратди. Талабаларнинг пуллари уни кутуртириб юборди.

– У пора туфайли қамалиб ҳам чиқди, шекилли.

– Ҳа, ўн икки йил қамалиб, пора бериб икки йилда чиқиб келди. Ўзбекистонда пулинг бўлса, нималарни қилмайсан?!...

Сухбат шу тарзда давом этди. Сухбат замирида ўзбек миллиятини камситадиган ҳеч қанақа ишорат йўқ эди. Сўз ўзбекистонликлар ҳақида борарди. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда қайси миллатлигидан қаъти назар, кимса пора бермаса, совет йилларида ҳам осонлик билан ишини битира олмасди. Мустақиллик йилларида, бу кусур авж нуқтасига олиб чиқилди.

Тўғриси, мени хафа қилган нарса, таълим-тарбия тизимининг бошида турувчи шахсларнинг исм-шарифлари ҳар ерда ёмонлик билан йўқланиши бўлди. Бўлмаса, мен Мирмуҳсин Акбаров деган одамнинг исми-шарифини ҳеч қачон эшитмаганман, эшитишни ҳам истамайман. Иккинчи томондан, янги президент саратон хасталиги каби ҳар ерда илдиз отиб, панжалаб кетган порахўрликка қарши, қайси усуллар билан курашади, деган савол, мени ўйлантириб қўйди.

Абдурахмон Йўлдош
Муаллифнинг facebook.com ижтимоий тармоғидаги саҳифасидан олинди

"ЎЛИМ ФАРИШТАСИ" у айтганидан ҳам гўзал экан...

«Қирқ йилдан буён саратон (рак) касалига йўлққан беморларни даволайман. Бу вақт мобайнида турли ҳодисаларга дуч келдим. Шуларнинг ичидан 1976 йили содир бўлган бир воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман...

Бош шифокор лавозимида ишлаган пайтимда Сароб исмли ёш беморим бўлиб, кўкрак саратонига чалинган эди. Уни шахсан ўзим даволар эдим. Аллоҳнинг изни билан қисқа муддат ичида унинг аҳволи яхшилана бошлади. Фақат

«Аллоҳ, Муҳаммад», десанг кифоя», – дедим. У табассум билан бош силкиди.

Оғриқ кучли бўлгани учун Сароб давомли равишда морфин қилар эдик. Орада сафарга кетиб қолиб, бир муддат уни кўра олмадим.

Қайтиб келганимда онаси қўнғироқ қилиб:

«Сароб бир ҳафтадан бери морфин қилдирмаяпти», – деди.

Тезда унинг уйига бордим ва нима учун укол қилдирмаётганини сўрадим. Саробнинг жавобини ҳалигача унутолмайман. Эсласам,

Ўлим фариштаси

у камида беш йилгача ўзини қаттиқ парваришда сақлаши керак эди. Тўрт йил ўтиб, Сароб Измирга бориб келишни истади. Қиш ойи бўлгани учун самолётда кетиш шарти билан рухсат бердим.

Афсуски, у самолётга чипта ололмай, автобусда йўлга чиқибди. Бунинг устига, автоҳалокат туфайли олти соат совуқда қолиб кетибди. Касаллик тезда унинг суяк ва ўпкаларига тарқаб кетди. У метастаза (қасалликнинг бошқа аъзоларга ёйилиши) сабабли умуман юра олмас, ўпкасига доимий кислотадан жиҳозлари қўлланар, шунинг учун гапириши ҳам осон эмас эди.

Бир сафар уйига борганимда: «Доктор... Мен сиздан... жуда хафаман», – деди у.

«Нима учун?» деб сўрадим. «Сиз... диндор одам... экансиз... Нега менга ҳам... Аллоҳни, ўлимни, охиратни тушунтирмадингиз?»

Унинг диний илми оз эди. Буни билар эдим. Шунинг учун унинг бу саволидан бир оз шошиб қолдим.

Саробнинг қўнғилини олишга, хафа қилмасликка ҳаракат қилиб:

«Докторларга боғланиш осон, пулини берасан-у, истаган муолажангни олаверасан. Аммо иймон муолажасини чин дилдан иштаинг керак», – дедим.

У «Истайман» деган маънода бош ирғади. Шундан сўнг умидсиз тиббий муолажанинг ёнига шифобахш иймон муолажаси қўшилди. У мен ўргатаётган иймон ҳақиқатларини бутун вужуди билан тинглар, ора-сира саволлар сўраб турар эди.

«Доктор, – деди у вафотига бирор ҳафта қолганида. – Мен... ўлаётганимда нима дейишни... керак?»

«Сенинг ҳолатинг ўзига хос. Сенга калимаи шаҳодатни айтиш узунлик қилади. У онни сезганингда

титраб кетаман:

«Дорининг таъсири билан ўлимга уйқуда дуч келсам ва «Аллоҳ, Муҳаммад», дея олмай қолсам-чи?» – деди у.

Ушанда Жумъа куни эди, унинг чамаси тўрт кунлик умри қолган эди. Эртаси куни унга:

«Ҳеч кўрқма, – дедим, – бемалол укол олишинг мумкин».

Сароб бу учрашувимизда охириги саволини берди:

«Доктор! Азроил... менга қай... шаклда кўринади?»

«Қизим, Азроил алайҳиссалом бир фаришта. Ҳеч сиқилма, у сенга гўзал кўринишда келади», дея таскин бердим.

Сешанба куни Саробнинг оғирлашганини эшитганим захоти уйига йўл олдим. Лекин афсуски, у билан видолашиш менга насиб қилмади. Унинг оиласи бутунлай паришон ҳолатда эди. Фақат уни узоқ муддат парваришлаган бир диндор аёл қариндоши тик турган эди. Мени кўрган захоти ёнимга келиб, унинг сўнги онларини гапириб берди:

«Доктор, бир оз олдин бу уйда мўъжиза содир бўлди. Сароб кислотадан жиҳозини ечиб, отди ва «Ўрнингдан қимирлама», дейишимизга қарамасдан, туриб, таҳорат қилди. Сўнг икки рақъат намоз ўқиди. Ҳаммамиз қотиб қолдик. Кейин эса калимаи шаҳодат келтирди ва «Докторга айтинглар, ўлим фариштаси у айтганидан ҳам гўзал экан», – деди-ю, жони узилди»...

Ўлим фариштаси келганида гафлатда қолмаслик учун морфин қабул қилмай, қаттиқ оғриқларга ҳам бардош берган қизни Аллоҳ ёлғиз ташлаб қўймади. Бу дунёнинг эшигини табассум ила ёпиб, у дунёнинг эшигини табассум ила очиш неъматини ато этди...

Манба: malhamuz



УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ЯНГИ ҲУКУМАТНИНГ ЭРКИНЛАШТИРИШ ТАШАББУСИНИ Қўллаб-қувватлайдими?

Ўзбекистонда Ислон Каримов ўлимидан сўнг юз бераётган ҳодисаларни таҳлил қилиб, биз раҳмдил Аллоҳ ўзбек халқига яна бир маротаба мустақилликдан эркинроқ ва демократик тизимга қон тўқмасдан ўтиш имконини бермоқда деган хулосага келаяпмиз. Шундай қилиб...

Тарих такрорланаяпти...

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида собиқ СССРнинг бошқа халқлари каби ўзбеклар ҳам ҳеч қандай жанг ва йўқотишларсиз, айтиш мумкинки, шунчаки Кремл империясидан чиқиб, сиёсий мустақилликка эришдилар.

Ҳозир, 2017 йилнинг бошида, тарих такрорланаяпти: чорак аср давомида Каримов зулми остида жимгина жабр тортиб келган ўзбек халқига яна қон тўқмасдан режимни ўзгартириш, балки умуман алмаштириш имконияти пайдо бўлмоқда.

Балки, ўша вақтда, яъни ўтган асрнинг 90-йиллар бошида ушбу вазият(озодликни курашиб эмас, балки совға сифатида олиниши), собиқ Совет Иттифоқининг сўнгги раҳбари Михаил Горбачев томонидан бошлаган демократик эркинликнинг тезда қўлдан бой берилишининг асосий сабаби бўлгандир.

Мамлакат ҳукуматининг юқори тузилмаларида янги ҳукуматнинг жорий ташаббусларига қарши гизли иттифоқлар тузилаётгани, инъом қилинган юмшоқ ўтиш даврини йўқотиш хавфи яна пайдо

бўлди.

Бундай иттифоқлар ва хавфлар ҳақидаги тафсилотларни биз аввалги мақолаларимизда баён қилган эдик. Сўнгги мақоламизда биз шуни таъкидлаб ўтдик-ки, Мирзиёев ва унинг ҳукумати фақат халқ дастагига эмас, балки мамлакат ичидаги сиёсий ва куч ишлатар тузилмалар кўмагига ҳам муҳтождир.

Ўзбекистон жорий ҳукуматининг таяниши мумкин бўлган кучлар қаторида ўзбек муҳолифати имкониятларини ҳам назардан қочирмаслик керак. Шундай қилиб...

Ўзбек муҳолифати ва ҳукуматининг ҳамкорлик истиқболлари ҳақида

Шу нуқтада иккита ўринли савол туғилади.

Биринчиси: ўзбек муҳолифати янги ҳукуматнинг либерал ташаббусларини қўллаб-қувватлай оладими?

Ҳа, 20, 15, 10 йил ва ҳатто бир йил аввал ҳам жамият олдида бундай саволни кўйиш у ёқда турсин, балки бу ҳақда ўйлаш ҳам ғайритабиий ҳол эди. Сиёсий кутбларнинг қаршилиги шу даражада кучли эди. Аммо, Шавкат Мирзиёевнинг келиши билан бошланган Ўзбекистон ички сиёсатидаги қутилмаган силжишлар мавжуд сиёсий режим ҳақидаги стереотипларни парчалаб ташлади.

Мамлакатнинг янги президенти ўз салафига қараганда анча мослашувчан бўлиб чиқди. У вафот

этган диктатор Каримовдан мерос қолган муаммоларни ҳал қилишга жиддий киришган кўринади. Гарчи энг асосийси – сиёсий ислохотлар ҳақида ҳалигача ҳеч қандай гап-сўз бўлмаса ҳам, президентнинг халқ дардини эшитишга интилишида бир самимият сезилмоқда. Ва бу одамларда баъзи умидларни уйғотмоқда.

Фикримизча, бундай таассурот ўзбек муҳолифатида ҳам пайдо бўлмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг ҳатти-ҳаракатларига билдириляётган турли муносабатлар, муҳолифатнинг Ўзбекистон янги президенти

фаолиятини диққат билан кузатаётганини кўрсатади.

Таниқли диссидент, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида СССР тоталитар тузимига қарши ижодий ёшларнинг мафкуравий уруши фахрийси, ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳ янги президентни Ўзбекистонни Россия таъсири остидаги бўйинтурукка олиб келмаслиги кераклиги ҳақида огоҳлантирган эди. Бу тажрибали антисоветчи шахснинг табиий рефлeksi эди.

Ўша Муҳаммад Солиҳ ҳам маълум бир маънода умум оптимистик кайфият таъсири остида, янги ҳукуматни кескин танқид қилишдан ўзини тияётгани кузатилмоқда. Муҳаммад Солиҳ ҳатто янги ҳукуматга ўз ҳайрихоҳлигини яширмаётган биз каби муаллифлар мақолаларини

ЎХХнинг расмий сайтида эълон қилишга имкон бермоқда.

Ўйлаймизки, агарда ўзбек муҳолифати истаса мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётини эркинлаштириш йўлида янги ҳукумат билан ўртоқ нуқталарда топишаолади.

Мулоқот ўрнатилди ҳам дейлик, янги ўзбек ҳукуматиға муҳолифатнинг қўллаб-қувватлаши нима беради?

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон ҳукумати ва муҳолифатининг бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаши, иккала тарафға ҳам қуйидаги сиёсий дивидентларни бериши мумкин:

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Биринчидан, бу ўзбек жамиятида Каримов даврида йиғилиб қолган, ҳукуматга бўлган ишончсизлик ва ички сиёсий тангликни баргараф қилади.

Иккинчидан, янги президент томонидан ҳамкорликка қадам қўйилиши - дейлик, сиёсий маҳкумларни реабилитация қилиниши ёки ўзбек мухолифатининг ватанга қайтиши учун ҳуқуқий шароитларнинг яратилиши - одамларда эркин ҳаётга бўлган ишонч ва умидни кучайтирган бўлар эди. Воқеаларнинг бундай ривожланиши жамиятнинг ҳукумат билан чорак асрлик унсиз адоватини музлар эришининг баҳмал баҳорига айлантирган бўлар эди.

Учинчидан, Ўзбекистон автоматик равишда, гарчи илк босқичда норасмий равишда бўлсада, жаҳон ҳамжамияти наздида, том демократик бўлмаса ҳам, яримдемократик давлат статусига эга бўлар эди. Бундай ўзгаришлар Ғарб ётиримчиларининг (инвесторларининг) Ўзбекистонга бўлган иқтисодий стратегиясини ҳам ижобий тарафга ўзгартирар эди.

Ва ниҳоят, тўртинчидан,

Дўстларим ёзган ва ёзаётган изоҳлардаги фикрларнинг ҳаммасига, албатта, қўшиламан... Ва мени тушунганлари учун миннатдорман!

Лекин...ўйлаб ҳам қоламан. "Қавм ўзгармагунча - мамлакат ва ҳалқ аҳволи ўзгармайди". "Авалло ўзларингизни ислоҳ қилинг..."

Қандай қилиб қавм ўзгарсин?

"Ўзингиз адолатли бўлмай туриб, бошқалардан адолат талаб қилманг".

Жўяли гаплар...

Доно гаплар...

Фақат бир нарсани эътиборга олмай ҳеч илож йўқ! Юртимизда ҳозир диктатура сиёсати ҳукмда.

Ҳарқандай диктатура шароитида, асосан, ҳукуматни эгаллаб олган гуруҳлар муҳит яратади...

Бу муҳитга бўйсунмаганлар - жазоланадилар.

Қавм ва мамлакат аҳволини ўзгартиришни истаганларнинг кўплари йигирма йиллаб ва ундан ҳам ортиқ муддат қамоқларда қийноқларга солиниб ётибдилар.

Ўзбекистонда ҳукумат ва мухолифат ўртасидаги ҳамкорлик эҳтимоли, ўз молиявий ва иқтисодий вазиятидан воз кечишни истамаётган, янги ҳукуматнинг эркинлаштириш ташаббусларига қарши бош кўтаришни режалаштираётган ва ҳатто президенти вазифасидан четлатишга уринаётган, Мирзиёевга қарши иттифоқлар имкониятини камайтирган бўлар эди. Шундай қилиб...

Сўнгсўз ўрнида

Баъзи ўқувчиларимиз, биз Ўзбекистондаги янги ҳукуматни танқид қилишни тўхтатганимизни ёзибдилар. Бунга ҳайрон бўлиш керак эмас. Чунки биз гуруҳларга, партияларга, ҳукуматлар ёки алоҳида шахсларга хизмат қилмаймиз. Биз Ўзбекистоннинг фаровонлиги ва эрки ғоясига хизмат қиламиз. Биз ҳар доим ушбу ғоянинг тарафдорини ва шу ғоя йўлидаги ҳар қандай аниқ қадамни қўллаб-қувватлаймиз.

Агар ушбу ғоя ва ташаббусларни ўз вақтида Ислоҳ Каримов бошлаганида эди, биз уни ҳам қўллаб-қувватлаган бўлар эдик.

Аммо, Каримов мулоқот ва эркин ислоҳотлар йўлидан юрмади. Бу ҳам етмагандай, у умрининг охиригача бундай ташаббусларга қатъиян қарши чиқди. Маъжозий

маънода айтганда, Ислоҳ Каримов мотори ёнмаётган автомобилни итаришиб юборишни сўраб, ўзи тормозни босиб турадиган дали ҳайдовчи каби эди. Қисқаси, Каримов Ўзбекистон тараққиёти йўлида бир тормоз эди.

Ҳозир Ўзбекистон бошқарув рулида янги ҳайдовчи. Унинг ташаббусларида ўчиб қолган машина моторини ўт олдириш истаги кўринмоқда.

Бундай ҳолатда ўзбек мухолифати қандай йўл тутади?

Бу ҳукуматнинг ташлаши мумкин бўлган илк мураса одими, жасоратли одимига боғлиқ. Чунки ўзбек мухолифатининг Каримов режими олдида қўйган 25 йиллик фуқоролик ҳуррияти, инсон ҳақлари талаблари бугун ҳам бажарилмай қолаяпти.

Агар ҳукумат шундай жасоратли қадамга журъат қилсагина биз мухолифатдан ҳукуматни қўллаб-қувватлашни талаб қилиш каби маънавий ҳуқуқга эга бўламиз.

Эсдан чиқармаслик керак: фақат Каримов ўлди, унинг тизими ва у етиштирган чекист олигархлар яшапти. Бу кучлар "Ўзбекистон" номли машина моторининг ишга тушишини истамаёптилар.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшунос
26.01.2017

Қолганлари - қувғинларда...

Улар озчилик эмасдилар...

Лекин қурол ва жазолаш, қирғин қилиш имконлари - диктатура қўлида... Улар ўзларини ислоҳ қилганлар эдилар... Улар адолатли ва адолат истаганлар эдилар...

Ҳукумат тепасини эгаллаб олган диктатура ҳомийлари ҳалқни ҳам, асл ҳалқ вакиллари ҳам

оғиз очиб, фикрини ва дардини айтишларига йўл бермайди!

Андижон, Паркент, Наманган, Тошкент талабалар шаҳарчасидаги каби, киприклари пирпирамай отиб ташлайверадилар ёки, олдинги "дода" айтганидай, умрларини қамоқларда чиритадилар...

Ана энди ўзингиз ўйлаб кўринг.

Қандай қилиб ўзимизни ва бошқаларни ўзгартирайлик?

Қандай қилиб ўзимизни ҳам, мамлакат аҳолисини ҳам ислоҳ қилайлик?! Қандай қилиб адолатли бўлайлик? Қандай қилиб қавм ўзгарсин? Нима қилсин?!

Ёдгор Обид
Манба: facebook.com

Таъзия

Эрк Партияси Марказий Кенгаши Эрк Партияси Марказий Кенгаши аъзоси Абдулла Абдураззоқовга унинг рафиқаси Нигора Абдураззоқова Окмирза кизининг бугун 70 ёшда вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Партия раҳбарияти ва партиянинг барча фаоллари Абдулла ака ва унинг оиласига сабр, марҳума руҳига эса, Аллоҳдан раҳмат ва мағфиратлар тилайди.

ЭРК Партияси Марказий Кенгаши

"ERKIN YURT"

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов